

RESEARCH ARTICLE

The Translator Who Found Peace In Originality

Adhambek Alimbekov

Professor, Doctor of Philological Sciences Tashkent State University of Oriental Studies Tashkent, Uzbekistan

VOLUME: Special Issue 2026

PAGE: 15-17

Copyright © 2026 European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, this is an open-access article distributed under the terms of the Creative Commons Attribution-Noncommercial-Share Alike 4.0 International License. Licensed under Creative Commons License a Creative Commons Attribution 4.0 International License.

Abstract

The article discusses the translation activity of the renowned translator Mirzaali Akbarov. It provides information about his translations from German into Uzbek as well as the works he translated from Uzbek into German. The article also presents reflections on the issues involved in translating from Western languages into Eastern languages.

KEY WORDS

Translation, original text, German language, Hermann Hesse, Steppenwolf.

INTRODUCTION

Таржима нақадар заҳматли меҳнат эканини яхши биламиз. Би-роқ мана шу заҳматли меҳнатдан ором топадиган тар-жи-мон-лар бўлади. Умрини шу ишга фидойилик билан бағишлаб, ро-ҳат топ-ган тилмочлардан бири Мирзаали Акбаровдир.

Мирза-али Акбаров 1955 йилда Фарғона вилоятининг Беш-ариқ туманида туғилган. Мактабга боргач аъло ўқишни мақсад қил-ган бўлғуси таржимон 5-синфдан олмон тили ўқитила бош-лан-да унда нимагадир шу тилга алоҳида меҳр уйғонади. 1972 йил-да Бешариқ туманидаги 47-ўрта мактабни битирган Мир-за-али ҳеч ўйланмасдан Тошкент Давлат чет тиллар педагогика инс-титуту (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари уни-вер-си-тети)нинг олмон филологияси факультетига ўқишга кириб 1977 йили муваффақиятли тугатади. Ўша йили ҳарбий хиз-мат-га ча-қи-рилган Мирзаали хизмат даврида ҳам кунт билан муто-лаа қи-лишдан чарчамади. Юртига қайтиб бироз вақт мактабда дарс бер-гач Тошкентга келди. Кўп йиллар давомида Тошкент Хал-қ-аро Радиосининг немис тилида эшиттиришлар бўлимида мудир ва бош таржимон бўлиб ишлаган. Мирзаали ака мала-ка-си-ни оши-риш борасида

тинимсиз изланди. У ўзининг ҳаёт йўли ҳа-қида шун-дай ёзади: ". Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, ўқув-чилик пай-тимдаёқ олмон тилига жуда қизиққанман, мак-таб-ни би-тир-га-нимиздан сўнг, ўқитувчимиз раҳматлик Саҳо-бид-дин Жамолов Абдулла деган ўртоғим икковимизни Тош-кентга ўқишга опкел-ган. Институтда ўқишнинг учинчи куниде, "Го-лубые купола" ("Мо-вий гумбазлар") чойхонаси олдида ГДР дан келган сайёҳ-лар-ни учратиб қолиб, улар билан олмон ти-ли-да бемалол гаплаш-ган-ман. Олийгоҳда ўқишнинг ўзи билан қа-но-натланмай, яна 4 та жой-га қатнаб, уларни битирганман: "Ўзбе-кис-тон" меҳмонхонаси қо-шида янги очилган "Интурист" гид-тил-мочлик курси; ТошДУ қо-шидаги араб тили бўйича 2 йиллик кечки пуллик курс; "Тошкент ҳақиқати" вилоят газетаси ҳузу-ри-даги 2 йиллик иш-чи -деҳқон мухбирлар университети ва "Муш-тум" журнали ҳу-зу-ри-даги "Ёш ҳажвчилар" тўғарагига қат-на-шиб, журнал саҳифала-ри-да кичик-кичик юморларим эълон қилинган. Булардан ташқари, та-лабалик пайтимда Москвада чи-қадиган „Neues Leben“ ("Янги ҳаёт") ва Целиноград (Қозоғис-тон)да босиладиган „Freundschaft“ ("Дўст-лик") номли газе-та-лар-га талабалар ҳаётидан ҳикоя қи-лув-чи мақолаларим ҳамда

Ўзбек тилидан олмончага кичик-кичик таржима-маларим билан мунтазам қатнашиб турганман.

Талабалик давримда бир уй китоб тўплаганман, ҳатто Германияда чиқадиган „Junge Welt“ (Навқирон дунё) газетасига, „Sinn und Form“ (Маъно ва шакл) журнаliga ҳам обуна бўлганман. М. Акбаровдаги илмга чанқоқлик, китобсеварликдан далолат-на-ким, шунинг учун ҳам у келажакда яхши мутахассис бўлиб етишди. Ўз устида ишлаш самарасини бериб малакали таржима-мон бўлди. Олмон тилидан кўплаб таржималар қилди.

Таржимон аввало таржима қилаётган асарининг мазмун моҳиятига эътибор бериши керак. Ўз олдига таржима қилинади-ган асар ўзбек китобхонига нима бера олади саволини қўйган таржима-мон ҳақиқий таржимондир. Асарнинг руҳиятини англагандан сўнггина ишга киришиши лозим. М. Акбаровнинг бу борадаги фикрлари жуда ўринли: “Таржима жараёни, буюк Гёте ибораси билан айтганда, сўлиб бораётган гулдастанинг сувга солингач, қайта жонлангани каби ҳаяжонли ва эътиборга молик-дир. Таржима учун асар танлашнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бунда кўпроқ нималарга эътибор бериш лозим? Менимча, энг аввало, ўша маълум бир хорижий тилда яратилган асар ўзингизга, қалбингизга руҳан яқин бўлиши, ўқиганда юрагингиз “жиз” этиши лозим, ана ундан кейин эса ушбу асар миллий менталитетимизга, анъаналаримизга тўғри келадими-йўқми деган саволларни мутаржим ўзига ўзи бериб кўриши керак” (Ўша журнал. 201-б.)

М.Акбаров тажрибали таржимон сифатида олмон адабиётидан ўзбек тилига, ўзбек адабиётидан олмон тилига таржималар қилади. Айниқса, ўзбек адабиётидан олмон тилига қилган таржима-малари ўзбек адабиёти намуналарини жаҳон миқёсига чиқишида аҳмиятли эканига эътибор қаратишимиз зарур. Чунки бизда жаҳонга кўз-кўз қилгулик асарларимиз етарли, аммо кўпи хорижий тилларга таржима қилинмаган ёхуд таржима-ларнинг аксарияти аслият бадииятини, тароватини бермайди.

М.Акбаров ҳозиргача ўттиздан зиёд асар таржима қилиб, китоблар чиқарган, шундан бир нечтаси ўзбек тилидан бевосита олмончага қилинган таржималардир. Яратган таржима асарлари орасида Халқаро Нобел мукофоти соҳиби Ҳерманн Хессе қатла-

мига мансуб “Чўл бўйиси” романи, улуғ олмон шоири ва мутафаккири Йоханн Вольфганг Гётеннинг “Ҳикматлар ҳазинаси” (“Шарқ” НМАК 2006, 2008), буюк файласуф ва педагог Иммануил Кантнинг “Педагогика тўғрисида” („Niso Poligraf“, 2013) ҳамда машҳур поляк адиби Ян Парандовскийнинг “Сўз кимёси”(устоз Озод Шарафиддинов билан ҳамкорликда) асари (“Янги аср авлоди”, 2019) муҳим ўрин тутди. У шунингдек, В.Борхерт, Герхард Бранстнер, Ф.Кристиан Делиус, Томас Манн ва Стефан Цвайг каби олмон ҳамда олмонзабон шоир ва ёзувчиларнинг кўплаб ҳикоя, эссе ва новеллаларини аслиятдан ўзбек тилига таржима қилган. Мирзали Акбаров таржимон сифатида ҳар бир сўз, жумла устида бош қотиради. Таржима қилган асарларида миллий қола-ритни сақлаб қолишга, асар руҳини, давр қола-ритини тўлиқ беришга ҳаракат қилади. Бунинг учун таржима-мон таржима қилаётган асарини қайта-қайта ўқиб моҳиятини, оҳангини ҳис қилиши керак. Таржимон икки миллат олдига масъул. Яхши асарни ёмон таржимаси ўша ёзувчи ҳақида нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин. М.Акбаров доимо шуни библиб таржимага қўл урадиган мутаржимлардан дея оламиз. Унинг таржимасидаги асарлар фикримизни тасдиқлайди. Ҳерманн Хессеннинг “Чўл бўйиси” романининг ўзбек китобхонлари орасида ҳам севилиб ўқиётгани бунга мисол. Таржимон аввало она тилини пухта билиши таржиманинг муваффақиятли чиқишида асосий омил эканлигини ҳам Мирзали ака таржима-ларида сезишимиз мумкин.

Дунёга машҳур ўзбек мутафаккирлари, таниқли олим, шоир ва адибларининг асарларини, жумладан, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур “Ҳикматлар”ини, академик Акмал Саидовнинг “Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция” номли асарини, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров мансураларини, Хосият Рустомова, Абдуҳамид Пардаев, Анвар Намозов, Ўроз Ҳайдар каби ижодкорларнинг шеър ва ҳикояларини бевосита немис тилига ўгирган. Ўз тилидан бошқа миллат тилига таржима қилиш оддий таржима-дан ўн баробар қийин бўлса қийинки асон эмас. Бунда тилни яхши билишдан ташқари миллий ўзига хосликнинг ҳис қилиб, теган англаш керак. Таржимада тил асарнинг руҳини бера олиш даражасида бўлиши, ўқувчи қийналмасдан ўқиши жуда муҳимдир. Қайси тил бўлса

ҳам ўзбек тилидан бошқа бир хо-ри-жий тилга таржима қи-ла-диган таржимонлар бизда жуда кам. Ма-на шундай ишни уд-да-си-дан чиқаётган Мирзаали Акбаровга ўх-шаш таржимонлар ўзи-ни тар-жима ишига бағишлаган ёшла-ри-миз учун ўрнатқуч бўларлидир.

Таржимоннинг олмон тилидан ўзбек тилига қилган таржи-ма асарларига бир назар солайлик. Бу таржимоннинг савиясини ҳам кўр-сатади. Ҳерманн Ҳессе “Чўл бўйи” романи, “Курорт-да-ги ки-ши”, “Нюрнбергга саёҳат”, Вилхелм Рааб “Штопфкухен сар-гу-на-ш-т-лари”, “Арно Гайгер Қувғиндаги кекса қирол” қиссаси, “Не-мис му-та-факкирларининг ҳикматлари”, Валдемар Бонселс “Аса-ла-ри-и Мая сар-гузаштлари” эртақ-қисса, Бернхард Шлинк “Китоб ўқиб бе-рув-чи” романи ва бошқа асарлар. Бу таржималар ичида юқорида айт-га-нимиздек “Чўл бўйи” ро-мани таржимасини алоҳида таъ-кид-лаш керак. Ҳерманн Ҳессе (1877–1962) XX аср олмон ада-би-ё-ти-нинг йирик намоян-да-ла-ри-дан бири, адабиёт соҳасидаги Халқаро Нобел му-ко-фо-ти-нинг сов-рин-дори. Ёзувчи Т.Манн ушбу ро-ман ҳақида шун-дай деб ёз-ган эди: «Чўл бўйи» экспериментал да-дилликда «Улисс», «Faux Mon-nayeurs» сингари асарлардан қо-лиш-май-ди-ган роман экан-ли-ги-ни айтиб ўтиришга ҳо-жат бор-ми-кин? «Чўл бўйи» менга ан-ча-дан буён илк бор ҳақиқий китоб му-то-лааси не эканини қай-та-дан ўргатган асардир”. Шундай му-рак-каб асар-ни таржима қи-ла олганлиги таржимон маҳоратидан далолат.

Мирзаали Акбаров ёшларни олмон тилини ўрганишга муно-сиб ҳисса қўшаётган устоз ҳам. Унинг “Олмонча-ўзбекча луғат-и” бун-га яхши мисол. Мазкур луғат олмон алифбоси тартибида ту-зил-ган бўлиб, умумтаълим мактаблари, лицей ва коллеж ўқув-чи-лари, талабалар ва барча олмон тилини ўрганувчилар учун мўл-жалланган. Луғатда жами 5 мингга яқин муҳим сўз ва ифо-ра-лар ўз ифодасини топган.

Мирзаали ака таржимашунослигимиз равнақи учун қай-гу-ра-ди-ган, “ўтлаб керадиган” таржимонларни танқид қилишдан қўрқ-май-диган, бир сўз билан айтганда адабиётимиз ривожини учун жон куй-дирадиган ижодкорлардан. Унинг “Ҳессенинг сўнги му-ҳаб-ба-ти” қис-саси таржимонинг ижодкор сифатидаги яна бир қир-ра-си-ни кўр-сатади. Адабий таржимон ўлароқ Австрия, Гер-ма-ния, Швей-ца-рия ва бошқа Европа

мамлакатларида кўп марта ижо-дий са-ф-лар-да бўлган. Германиядаги Халқаро Ҳерманн Ҳессе жа-миятининг ҳам-да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъ-зо-си Мир-заали Акба-ровнинг меҳнатлари муносиб тақдир-ланиб 2016 йили “Энг яхши насрий таржима” рукнида “Жаҳон ада-би-ё-ти” жур-нали таҳ-ри-рияти томонидан таъсис этилган Озод Шара-фид-динов номидаги йил-лик мукофотга, 2017 йили Австрия фе-де-рал ҳу-ку-матининг энг яхши бадиий таржима (Арно Гайгер Қувғиндаги кекса қирол)лар учун бериладиган мукофотига са-зо-вор бўлди. Табаррук 70 ёшини қар-шилаётган устоз таржи-мон Мир-за-али Акбаровга кўплаб асар-лар-ни ўзбек тилига таржи-ма қи-либ маънавиятимизни бойитишга ҳис-са қўйишини, ёш тар-жи-мон-лар-га устозлик қилиб малакали тар-жимонларимиз са-фи-ни кенгай-ти-ри-шида муваффақиятлар ти-лаб қоламиз. Ҳами-ша заҳ-матли меҳна-тидан ором топиб юрсин.

REFERENCES

1. Акбаров М. Таржима – ижодий жараён. А.Норкулов билан суҳ-бат. “Жаҳон адабиёти” журнали. Май-2024.
2. Ғафуров И, Мўминов О, Қамбаров Т. Таржима назарияси. “Тафак-кур бўстони” нашриёти. – Тошкент: 2012.
3. Очилов О. Таржимашуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент, ТДШИ, 2014.